



## МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ВА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИНГ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Азимов Акбар Акрамович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Аннотация.** Мазкур мақолада Мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғининг солиққа тортиш маъмурчилиги ўрганган ҳолда уларни солиқ солишни тартибига солиш, қўшилган қиймат солиғини такомиллаштириш билан ҳам боғлиқдир. Мақолада қўшилган қиймат солиғи базасини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари, уни аниқлашдаги айрим мураккабликлар ва муаммолар таҳлил этилган, солиқ базасининг шакллантиришни такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилади. Бундан ташқари қўшилган қиймат солиғи базасини аниқлаш ва ҳисоблаш юзасидан киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларни қўллаш натижаларга асосланиб тегишли хулосалар шакллантирилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** қўшиган қиймат, қўшилган қиймат солиғи базаси, солиқ, бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмурчилиги, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, солиқ юки, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари.

## ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПОРЯДКА ОБСЛУЖИВАНИЯ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКОВ И АДМИНИСТРИРОВАНИЯ НАЛОГА НА ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ В НАШЕЙ СТРАНЕ

**Азимов Акбар Акрамович**

Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В данной статье изучается администрирование налогообложения налога на добавленную стоимость в нашей стране, что также связано с совершенствованием налога на добавленную стоимость. В статье анализируются особенности расчета базы налога на добавленную стоимость, некоторые сложности и проблемы ее определения, а также акцентируется внимание на вопросах совершенствования формирования налоговой базы. Кроме того, по результатам внесенных изменений и дополнений при определении и расчете базы налога на добавленную стоимость были сформированы соответствующие выводы и разработаны рекомендации.

**Ключевые слова:** добавленная стоимость, база налога на добавленную стоимость, налог, бюджетная политика, бюджет, налоговое администрирование, налоговый потенциал, нормативный анализ, налоговое бремя, налоговая отчетность, налоговые поступления, налоговые льготы.

## DISTINCTIVE FEATURES OF THE SERVICE PROCEDURE FOR TAXPAYERS AND VALUE ADDED TAX ADMINISTRATION IN OUR COUNTRY

**Azimov Akbar Akramovich**

Tashkent State University of Economics

**Abstract.** In this article, the administration of taxation of value-added tax in our country is studied, and it is also connected with the improvement of value-added tax. The article analyzes the specific features of calculating the value-added tax base, some complications and problems in its determination, and focuses on issues of improving the formation of the tax base. In addition, based on the results of the changes and additions made in determining and calculating the value-added tax base, relevant conclusions were formed and recommendations were developed.

**Key words:** value added, value added tax base, tax, budget policy, budget, tax administration, tax potential, regulatory analysis, tax burden, tax reporting, tax revenues, tax benefits.

### Кириш.

Солиққа тортиш ҳар қандай давлатнинг молиявий сиёсатининг асосий таркибий қисми бўлиб, даромадларни шакллантириш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўзбекистонда ўсиб бораётган иқтисодиёт сифатида солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш ҳамда ҚҚС маъмурияти соҳасида ўзига хос чора-тадбирлар ва амалиётларни қабул қилди. Ўзбекистонда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш тартиби ва ҚҚС маъмуриятининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида умумий маълумот бериб, мамлакатда солиқ қонунчилигига риоя этилишини таъминлашда тадбиркорлик субъектлари учун қулай муҳит яратиш муҳимдир. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш ва ҚҚС маъмуриятига бўлган ёндашуви рақамлаштириш ва халқаро савдодаги глобал тенденцияларга мос равишда ривожланмоқда. Бу эса Ўзбекистонда фаолият юритаётган корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари ва оқибатларини ҳар томонлама ўрганиш имконини беради.

### Адабиётлар шарҳи.

Рус иқтисодий луғатида ҚҚСни аниқлашни куйидагича ифодалаган: “Корхонада товар ва хизматлар сотишдан олинган тушумлар ҳамда ташқи бозорнинг бошқа ишлаб чиқарувчиларидан олинган хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотларнинг нархи ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган ушбу корхонанинг қийматини оширувчи миқдорда солиқ ундирилади (Райзберг, 2008).

Бир-бирига яқин фикрлар билан мамлакат қонунчилигида белгиланган таърифларни қўллаб-қувватлаган олимлардан Поляк, Романовскийларнинг (2008) фикрича: “Кўшилган қиймат солиғи – ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида яратилган ва сотилган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг қиймати ва ишлаб чиқариш ҳамда айланма маблағларга сарфланган моддий харажатларнинг қиймати сифатида аниқланган қўшимча қийматнинг бир қисмини бюджетга олиб чиқиш шаклидир”.

Тошматов (2012) “Кўшилган қиймат солиғи бу хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сотилган товар, бажарилган иш ва хизматларнинг бозор нархига нисбатан ҳисобланган билвосита солиқдир дея таърифлаган”.

Павлова ва Дорожколарнинг (2014) фикрича “агар ҚҚСнинг солиқ ставкаларини камайтирсак, унда бюджет даромадлари сезиларли равишда камаяди, бу эса маблағлар тақсимланишининг кўпайишига олиб келади. Бошқа томондан агар таърифларни кўриб чиқсак, кўпчилик ташкилотлар солиқларни тўлашдан бўйин товлашни кучайтирадилар, бунга рухсат берилмайди, чунки давлат бюджети камроқ молиявий ресурсларга эга бўлади” деб ҳисоблайди.

Иқтисодий адабиётларда кўшилган қиймат солиғини «Европача» солиқ деб ҳам аташади. XX асрнинг ўрталарида германиялик иқтисодчи В. Фон Сименс номи билан боғлашадики, у «тоза айланма солиқни» жорий этишни таклиф қилди. Бироқ бу амалга ошмади (Романовского, Врублевской, 2007).

Кўшилган қиймат солиғи француз иқтисодчиси Морис Лоре (1958) номи билан боғлиқ бўлиб, 1954 йилда Кот-д’Ивуар француз колониясида янги солиқ сифатида синовдан ўтказилган, 1958 йилда эса Францияда жорий этилган. Кейинчалик Европанинг барча мамлакатларига 1972 йил охиригача ўз худудида хўжалик юритувчи субъектлар учун ҚҚСни жорий этиш бўйича буюртма беришган. Ҳозирги кунда 137 та мамлакатда ҚҚС жорий этилган.

Mohammad Alizadeh, Masoume Motallabilar (2016) эса кўшилган қиймат солиғи ва давлат харажатлари ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ қилиб, ижтимоий фаровонликни таъминлаш учун давлат харажатларини қисқартириш, натижада эса ҚҚС ставкасини ҳам пасайтиришни илгари суради.

### Тадқиқот методологияси.

Мамлакатимизда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш тартиби ва кўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигининг ўзига ҳос хусусиятлари ва концептуал асосларини тадқиқ қилишида илмий абстракциялаш, индукция-дедукция каби назарий усуллари билан ва кузатиш, статистик таҳлил, вертикал ва горизонтал таҳлил ва усуллардан кенг фойдаланилган.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ва халқаро солиқ амалиётида эгри солиқларнинг асосий турларидан бири – кўшилган қиймат солиғи ҳисобланади. Кўшилган қиймат солиғи – ҳар бир

ишлаб чиқариш босқичида ва реализация жараёнида ундириладиган кўп қиррали билвосита солиқдир. Корхона кундалик хўжалик фаолиятида маҳсулот етказиб берувчилардан товар ва хомашё сотиб олади ва улардан маҳсулот ёки иш, хизматлар ишлаб чиқаради. Демак, қайта ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва сотишда қўшилган қиймат яратилади.

I. Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари.

Солиқ кодексининг 237-моддаси биринчи қисмига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи тўловчилари қуйидагилар ҳисобланади (Кодекс, 2020):

- 1) Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари;
- 2) товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади солиқ даврида бир миллиард сўмдан ошган ёхуд ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар;
- 3) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни (хизматларни) реализация қилувчи чет эл юридик шахслари, агар товарларни (хизматларни) реализация қилиш жойи деб Ўзбекистон Республикаси эътироф этилса;
- 4) фаолиятни Ўзбекистон Республикасида доимий муассасалар орқали амалга оширувчи чет эл юридик шахслари;
- 5) оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) доирасида амалга ошириладиган фаолият бўйича — оддий ширкатнинг ишларини юритиш вазифаси зиммасига юклатилган ишончли шахс – оддий ширкатнинг иштирокчиси;
- 6) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтувчи шахслар. Мазкур шахслар божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғини тўловчилар деб эътироф этилади.

II. ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтиш тартиби.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 595-сон қарори билан солиқ тўловчиларни ҚҚС тўловчиси сифатида махсус рўйхатдан ўтказишни инсон омили таъсири чекланган янги тартиби жорий этилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад инсофли солиқ тўловчиларни қўллаб – қувватлаган ҳолда уларни хуфиёна иқтисодиёт билан шуғулланишни ўзига мақсад қилиб олган, қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган битимларни амалга оширишни режалаштирган солиқ тўловчилар билан молиявий операцияларга киришишни олдини олишга қаратилган.

Бунда, солиқ тўловчилар ва уларнинг контрагентлари фақат ҚҚС тўловчи гувоҳномаси фаол бўлган ҳолатда ҚҚС суммасини ҳисобга олишга ҳақли бўлади.

Аризаларни кўриб чиқиш муддати 7 кун қилиб белгиланган, агар ариза ушбу муддатда кўриб чиқилмаса, гувоҳнома автоматик равишда берилади.

ҚҚС тўловчиларга берилган фаол ҳолатдаги гувоҳномалар ҳар куни автоматик равишда 18 та мезонлар (солиқ қарзи, раҳбар шахси, ҳисобот тақдим этиши, манзилда жойлашганлиги ва б.) бўйича таҳлил қилиб борилади ва дастур томонидан солиқ тўловчи ҳеч бўлмаганда 1 та мезон бўйича солиқ хавфи юқори даражасига тушса, гувоҳноманинг амал қилиши автоматик равишда вақтинча тўхтатилади, шунингдек, солиқ тўловчи камчиликни баратараф этган тақдирда, дастурда гувоҳномани амал қилиши автоматик равишда тикланади.

Қайд этиш жоизки, ҚҚС тўловчиси гувоҳномасининг амал қилиши вақтинча тўхтатилган даврда солиқ тўловчи ва унинг контрагенти ҚҚС суммасини ҳисобга ололмайди.

Гувоҳноманинг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш асосан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- солиқ қарзи мавжуд бўлганда, бунда икки ойдан ортиқ вақт давомида ҚҚС бўйича тўланмаган солиқ қарзи тушунилади;
- уч ойдан ортиқ вақт давомида молия хўжалик фаолияти амалга оширилмаганда (мавсумий фаолиятга эга шахслар мустасно);
- солиқ хавфи юқори бўлган солиқ тўловчилар тоифасига тушганда.

Бунда, солиқ тўловчи томонидан солиқ хавфи юқори бўлишига сабаб бўлган ҳолатлар ва камчиликлар баратараф этилгандан сўнг ҚҚС гувоҳнома берилиши ва активлаштирилиши мумкин бўлади.

ҚҚС тўловчиларини рўйхатдан ўтказиш дастурий маҳсулоти Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрда қабул қилинган 595-сон қарори асосида тадбиркорлик субъектларни инсон омилсиз солиқ хавфига қараб сегментлаш (паст, ўрта ва юқори) ва ҚҚС тўловчиси

сифатида рўйхатдан ўтказишнинг янги тамойиллари 2021 йил 23 декабрдан электрон дастур орқали бажарилмоқда.

Солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинетига “Менинг ҳолатимни текшириш” интерактив хизмати ишга туширилиб, ҳар бир тадбиркорлик субъектига ўзининг солиқ хавфи даражасини текшириб бориш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июндаги ПФ-162 сон Фармонида асосан солиқ хавфининг юқори даражасига эга солиқ тўловчиларнинг ҚҚС бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳномасининг амал қилиши бу ҳақида солиқ органлари томонидан беш иш куни олдин хабарнома юборилгандан сўнг ҳамда мазкур муддатда камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда тўхтатиб туриш тартиби жорий этилди.

Субъектлар томонидан ҚҚС тўловчиси сифатида махсус рўйхатдан ўтиш учун ариза тақдим этиш ҳамда ушбу аризани солиқ органларида кўриб чиқиш тартиби:

Солиқ тўловчи ихтиёрий ёки мажбурий тартибда танлаган ҳолда ариза тақдим этиши мумкин.

Солиқ кодексининг 237 ҳамда 461-моддасига асосан ҚҚС тўлаш мажбурияти юзага келган корхоналар мажбурий тартибни танлаган ҳолда ариза тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июндаги ПФ-162 сон Фармони билан 2022 йил 1 июлдан мажбурий равишда ҚҚС тўловчиси сифатида эътироф этиладиган тадбиркорлик субъектларига ҚҚС бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома солиқ хавфи даражасига аниқлик киритилмасдан туриб автоматик равишда бериш тартиби жорий этилди.

Ушбу фармонга асосан мажбурий тартибда тақдим этилган аризаларга 1 дақиқа ичида автоматик тарзда ҚҚС гувоҳнома расмийлаштирилмоқда.

ҚҚС гувоҳномаси берилгандан сўнг, дастур автоматлаштирилган таҳлил тизимида солиқ хавфи мезонлари бўйича текширади. Солиқ хавфининг юқори мезонлари аниқланса, 5 иш куни аниқланган камчилик сабаблари ва бартараф этиш йўллари кўрсатилган ҳолда хабарнома юборилади.

Ушбу жараёнлар инсон омили чекланган ҳолда тўлиқ автоматлаштирилган тизим орқали амалга оширилади.

Ихтиёрий тартиб

ҚҚС тўлашга ихтиёрий равишда ўтмоқчи бўлган корхоналар томонидан ихтиёрий тартиб танланган ҳолда ариза тақдим этилади, бунда корхона кейинги ойнанинг биринчи санасидан ҚҚС тўлашга ўтиши мумкин.

1) Ариза тақдим этилган заҳоти автоматлаштирилган тизим 13 та юқори хавф мезони бўйича корхона фаолиятини таҳлил қилади ҳамда улардан ҳеч бўлмаганда биттаси аниқланганда ҳам ариза рад этилади, аниқланган камчилик ҳамда уни бартараф этиш йўллари кўрсатилган хабарнома ва аризани рад этиш қарорини шахсий кабинетга юборади.

2) Тизим томонидан камчилик аниқланмаганда, дастур томонидан субъект жойлашган ДСИнинг биринчи ўринбосари “ЭДО” дастурига аризачининг рўйхатдан ўтган манзилда ҳақиқатда мавжудлигини ўрганиш ҳамда белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштириш бўйича 3 кун муддат билан топшириқ юборади.

3) Бир вақтнинг ўзида ДСБ масъул ходими 7 иш кунида корхонада товарлар номутаносиблик ҳолатлари мавжудлиги, солиқ ҳисоботларининг тўғри тақдим этилганлигини ўрганади ҳамда белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштиради.

4) Ўрганишлар натижасида субъектда солиқ хавфининг юқори даражаси аниқланмаганда махсус рўйхатдан ўтказиш тўғрисида, камчилик аниқланганда аризани рад этиш тўғрисида қарор ва хабарнома шакллантирилади ҳамда шахсий кабинетга юборилади.

Ушбу жараёнлар инсон омили чекланган ҳолда тўлиқ автоматлаштирилган тизим орқали амалга оширилади.

III. Қўшилган қиймат солиғини қоплаш.

Қўшилган қиймат солиғи салбий фарқ суммасини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарори билан тасдиқланган «Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Низомга асосан ҚҚСни салбий фарқ суммасини қоплаш тўғрисидаги аризалар умумий ва тезлаштирилган тартибда кўриб чиқилади.



Солиқ суммаси солиқ тўловчига солиқ органининг солиқ суммаси ўрнини қоплаш тўғрисидаги қарори асосида солиқ суммасини қоплаш (қайтариш) тўғрисидаги ариза тушган санадан эътиборан олтимиш кундан, Солиқ суммасини қоплашнинг тезлаштирилган тартибида эса етти кундан кечиктирмай қайтарилиши лозим.

Қопланиши назарда тутилган солиқ суммасининг асосланганлиги юзасидан солиқ органи камерал солиқ текширувини ўтказиши мумкин. Камерал солиқ текшируви солиқ органининг текширув ўтказиши тўғрисидаги буйруғисиз амалга оширилади.

Камерал солиқ текшируви солиқ тўловчи томонидан ариза тақдим этилган кундан кейинги кундан бошланади ва эллик кунгача бўлган муддатда якунланиши лозим.

Солиқ суммасини қоплашнинг тезлаштирилган тартиби қуйидагиларга тадбиқ этилади:

- ❖ белгиланган тартибда йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахсларга;
- ❖ солиқни қоплашга доир ариза билан бирга амалдаги банк кафолатини тақдим этган ёки солиқ органи билан гаров шартномасини белгиланган тартибда расмийлаштирилган солиқ тўловчиларга;
- ❖ экспорт ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга оширадиган шахсларга;
- ❖ хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотлари;
- ❖ маҳсулот тақсимотида оид битим иштирокчиларига, агар бундай битимда ноль даражали ставка қўлланилиши назарда тутилган бўлса;
- ❖ солиқ мониторинги иштирокчиларига.

Масалан: Тошкент шаҳар солиқ тўловчиси “Trust Whole” МЧЖда амалга оширилаётган битимлар (операциялар) харид қилинаётган ва реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) номенклатурасига мос келмаганлиги сабабли 2021 йил 12 январда ҚҚС гувоҳномаси вақтинчалик тўхтатилган. Ўтказилган текширувлар натижасида ушбу жамиятда юқоридаги ҳолатлар аниқланганлиги сабабли Тошкент туманлараро иқтисодий Суди томонидан 2023 йил 23 март куни ҚҚС гувоҳномасини бекор қилиш бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда интизомли солиқ тўловчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, инсон омилининг таъсирини чеклаш орқали қўшилган қиймат солиғини бошқариш тизимини такомиллаштириш, солиқ солишни соддалаштириш ва солиқ юқини камайтириш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, солиқ хавфи юқори даражада бўлган контрагентлар билан операцияларни (битимларни) амалга оширишни чеклашда қўшилган қиймат солиғи маъмуричилигида айрим ноқулайликлар борлиги долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 4 сентябрдаги ПҚ-292-сон қарорининг 8-бандида қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тартиби бекор қилиниши (бундан амалга оширилаётган битимлар (операциялар) харид қилинаётган ва реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) номенклатурасига мос келмаганлиги ҳолатлар мустасно) белгилаб қўйилган.

Йиллик солиқ суммаси 10 млн сўмгача бўлган солиқ тўловчилар сони 2022 йилда 27 648 тани ташкил қилиб улар томонидан ҳар ойлик ҚҚС ҳисоботи муддатида тақдим қилинмаганлиги сабабли 2 724 тасининг ҳисобрақами ёпилган ва 8 172 млн сўм маъмурий жарима қўлланилган. Худди шундан йиллик даромади 10 млн сўмдан 100 млн сўмгача бўлган 49 803 та корхонадан 3 182 таси ҳар ойлик ҚҚС ҳисоботи муддатида тақдим қилинмаганлиги сабабли 9 546 млн сўм маъмурий жарима қўлланилган.

Германия мамлакати тажрибаси ўрганилганда, агар йиллик ҚҚС мажбурияти 7 500 евродан (9,6 млн сўм) ортиқ бўлса ҳисобот ҳар ойда амалга оширилиши керак, агар у 1 000 евродан (12,9 млн сўм) кам бўлса йилига бир марта етарли. Шунингдек, келгуси йилнинг май ойи охирига қадар ҚҚС бўйича йиллик ҳисоботини тақдим этиш талаби мавжуд.

Қозоғистон, Грузия, Сингапур, Австралия мамлакатларида ҳисобот даври бир чорак қилиб белгиланган, Беларуссия (электр ва алоқа хизматларидан ташқари), Армения, Франция мамлакатларида ҳисобот даври бир чорак ёки бир ой қилиб белгиланган, Корея мамлақатида йилига 2 марта қилиб белгиланган.

Хозирга келиб мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғи бўйича турли ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан:

1. Солиқ тўловчиларнинг тоифаси, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби, шунингдек солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатлари сақлаб қолинди.

2. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди;

Натижада 14 трлн сўм маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрида қолиши кутилмоқда.

3. Қопланадиган (қайтариладиган) қўшилган қиймат солиғи суммасининг асослилиги юзасидан камерал солиқ текширувини ўтказиш муддатлари 60 кундан 30 кунга қисқартирилди.

4. 2023 йил 1 апрелдан қуйидагилар бўйича берилган имтиёзлар бекор қилинди:

бюджет маблағлари ҳисобидан ҳар йиллик минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурлари доирасида кўрсатиладиган геология хизматлари бўйича айланма;

Давлат бюджетига қўшимча 106 млрд сўм солиқ тушиши кутилмоқда.

почта маркалари, маркали откриткалар, конвертларни реализация қилиш бўйича айланма;

Давлат бюджетига қўшимча 2 млрд сўм солиқ тушиши кутилмоқда.

бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновацион ишларни реализация қилиш бўйича айланма.

Давлат бюджетига қўшимча 1 млрд сўм солиқ тушуши кутилмоқда.

Шунингдек, 2023 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг кўриқлаш бўлинмалари хизматлари бўйича тақдим этилган имтиёзлар бекор қилинди.

давлат бюджетига қўшимча 27 млрд сўм солиқ тушиши кутилмоқда.

5. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан қўшилган қиймат солиғини тўловчилар деб эътироф этилиши белгиланди.

Бу норма ихтиёрий ва заруратга қараб амалга оширилади.

Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Озиқ-овқат хавфсизлиги ва ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-147-сон қарори билан “Ўздавахира” кўмитаси ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган.

6. 2023 йил 1 январдан бошлаб, ҚҚС гувоҳномасининг амал қилиш муддати тўхтатилганлиги муносабати билан ҳисобга қабул қилинмаган, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммасига, гувоҳноманинг амал қилиш муддати тикланган тақдирда, солиқ тўловчида ва унинг харидорларида гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилган давр учун тузатишлар киритилиши (ҳисобга қабул қилиниши) ҳуқуқи берилди.

Мисол учун: Корхона ҚҚС гувоҳномасининг амал қилиш муддати тўхтатилгандан кейин ҚҚС билан 1 150 млн.сўмлик товар (хизмат) сотиб олганда, 150 млн.сўмини товар нархига киритишга тўғри келарди, киритилган ўзгартишдан кейин 150 млн.сўмни ҳисобга олиш ҳуқуқи пайдо бўлди.

Республика бўйича 2022 йилда 61970 корхона томонидан 2 207 млрд.сўм ҚҚС суммаси товар қийматида киритилиб маҳсулот таннархининг ошишига олиб келган.

7. Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясида ҳисобда турадиган солиқ тўловчиларга товарларни импорт қилиш чоғида қўшилган қиймат солиғи тўлови ҳисобига бюджетдан қопланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди.

Бунда ҳисобга олиш солиқ ва божхона органлари томонидан автоматик режимда амалга оширилади. Бунинг учун солиқ тўловчи БЮДни расмийлаштираётганда қўшилган қиймат солиғи қопланиши лозим бўлган сумма ҳисобидан тўлангани тўғрисида белги қўйиши лозим.

Йирик солиқ тўловчилар бўйича 2022 йилда 106 та корхона томонидан 234,5 млрд.сўм товарларни импорт қилишда бюджетга ҚҚС тўланган бўлиб, уларнинг ҚҚС бўйича солиқ органларидаги ортиқча тўлови 903,3 млрд.сўмни ташкил қилган.

### Хулоса ва таклифлар.

1. Солиқ органларига камерал солиқ текширувини ўтказишда қуйидаги ҳуқуқларга йўл қўйилмайди (бундан қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплашда:

солиқ тўловчининг ҳудудига кириш;  
 солиқ тўловчининг ҳудудини ва биноларини кўздан кечириш;  
 солиқ тўловчидан ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва уни чақиртириш;  
 солиқ тўловчининг ҳужжатлари ва буюмларини олиб қўйиш аниқ мезонларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

2. Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органи томонидан амалга оширилаётган битимлар (операциялар) харид қилинаётган ва реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) номенклатурасига мос келмаганлиги ҳолатлар аниқланганда қабул қилиниши мумкин. Бунда, мос келмаганлиги ҳолатлари 30 кун муддатда ўз тасдиғини топмаганда гувоҳноманинг амал қилиши фаоллаштиришни йўлга қўйиш.

### Адабиётлар/Литература/Reference:

Mohammad Alizadeh, Masoume Motallabi. (2016) *Studying the Effect of Value Added Tax on the Size of Current Government and Construction Government. // Procedia Economics and Finance. Volume 36, Pages 336-344.*

Normurzaev U. *Analiz effektivnosti nalogovoy lgot i preferensiy v podderjke opredelennykh sektorov s selyu dalneyshego povysheniya investitsionnoy privlekatelnosti v Uzbekistane- Ekonomika i obrazovanie,(6), 2021*

Normurzaev, U. (2021). *O'zbekistonda investitsion jozibadorlikni yanada yaxshilash maqsadida ayrim sohalarni qo'llab-quvvatlashda berilayotgan soliq imtiyoz va preferensiyalarining samaradorlik tahlili. Iqtisodiyot Va ta'lim, (6), 82–86. [https://doi.org/10.55439/ECED/vol\\_iss6/a285](https://doi.org/10.55439/ECED/vol_iss6/a285)*

Кодекс (2020) *Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси - Тошкент: Фафур Фулом нашриёт уйи.- 640 б.*

Морис Лоре (1958) *Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. 4-е изд. — И.Д Питер “Во Франции он стал применяться с 1958 г”*

Нормурзаев У., (2021). *Анализ эффективности налоговых льгот и преференций в поддержке определенных секторов с целью дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в Узбекистане. Экономика и образование,(6) (2021): 82-86.*

Нормурзаев, У. (2021). *Способы использования эффективных методов путем предоставления налоговых льгот для поддержки предпринимателей. Экономика И Образование, (3), 91–95. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/7191](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/7191)*

Нормурзаев, У. (2023). *Мамлакатимизда солиқ тизимида амалга оширилган ислохотлар таҳлили. Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil, 1(4), 177–183. [https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss4-pp177-183.](https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss4-pp177-183)*

Павлова Е.В., Дорожко Д.А. (2014) *Безработица как социально-экономическое явление в современной экономике. Проблемы безработицы в Российской Федерации и меры по её снижению // Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Экономика и управление.. № 3 (18). С. 29–31. №2.*

Райзберг, Б.А. (2008) *Современный экономический словарь [Текст] / Б.А. Райзберг, Л.Ш. Лозовский, Е.Б. Стародубцева. – М.: ИНФРА-М., – 512 с.*

Романовский М.В. (2008) *Налоги и налогообложение: налог на добавленную стоимость/М.В. Романовский, О.В.Врублевская. – СПб.: Питер., – 576 с.*

Романовского М.В., Врублевской О.В. (2007) *Налоги и налогообложение: учебник [Текст] / под ред. М.В.Романовского, О.В. Врублевской. – 6-е изд. – СПб.: Питер, – 491 с.*

Тошматов Ш.А. (2012) *Қўшилган қиймат солиғи. Монография .-Т: “Молия”,. 15 б; 160 бет*